

Билларнинг
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ
РАСОТАСИ

ТУРКИСТОН

Туркистон бир, ватан бир

1994 йил 26 январь • Чоршанба • № 7 (14168) **ترکستان**

TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ УЛЖАН КЕНГАШИ

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА САНОАТЧИЛАР

ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ ИШ БОШЛАДИ



Саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгашининг музофиллаштирувчи раиси Аркадий Вольский йиғилишнинг очар экан, бу нуфузли учрашувни ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Анжуманда собиқ Иттифоқ республикаларидан ташқари Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, жами 20 дан ортқ мамлакат вакиллари иштирок этишмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар. Юртбошимиз иқтисодийнинг республикадагина эмас, бутун Марказий Осиё минтақасидаги ҳозирги аҳоли ҳақида кенг маълумот берди. У Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий маконни яратиб бўйича яқинда имзоланган шартномаларга алоҳида эътиборни қаратди. Бу шартномалар божхона тўсиқ-

ларини олиб ташлайди, республикаларимиз ўртасида ўзаро қелишилган молия ва солиқ сибсатини юрйтиш имконини беради.

Аркадий Вольский ўз нутқида асосий эътиборни иқтисодийнинг бирлаштириш жараёнларини ривожлантириш заруриятига қаратди. Бу жараёнларга пулни қадрсизлаштиришни, ишлаб чиқаришнинг пайсийини тўхтатишга, мухталик мамлакатлар бозорларини тўлдиривга қодирдир.

— Кейинги бир неча йилнинг ўзиде МДХ мамлакатларида ишлаб чиқариш таназзули 40 фолга етди, — деди у. — Шундай вазиятда ҳам Ўзбекистондаги аҳоли бошқа давлатлардагидан кескин фарқ қилади. Бой табиий қазилмалар, қудратли меҳнат ресурсларига эга бўлган бу республикада бозор муносабатларига ўтиш босқичида ахши ижтимоий сибсат ўтказилляпти. Россия саноатчилар ва ишбилармонлар уюшмаси

ақинда янги иқтисодий соғломлаштириш дастурини ишлаб чиқди. Дастурда пулни қадрсизлаштириш жилавлеш, сармоғ фаоллигини ошириш, барчага мақул бож жорий қилиш кўзда тутилган.

Сўнгра нотиқ энг ўткир муаммолардан бири — энергия куватига қўйилган зўр бажо муаммоларга тўхталди. Республикаларда мавжуд жиҳоз ва механизмлар танқис ёқилгани жаҳоннинг тарақий этган мамлакатларидагидега таъкидлади А. Вольский, Ислам Каримовнинг тўловлар бўйича иттифоқ тузиш тўғрисидаги тугган қатъий йўли алоҳида аҳамият касб этади. Бу иттифоқ ёрдамида юзага чиқетган барча масалаларни тезда ҳал қилиш мумкин бўлади. Афсуски, бунга қаршилик кўрсатетган куллар ҳам йўқ эмас.

Саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгаши мажлисида, шунингдек, Россия Федерацияси йиғини бирлашмалари ва идора-

ларининг раҳбарлари ҳам иштирок этидилар. Бу — тасодифий эмас, албатта. Чунки Россия билан Ўзбекистон ўзаро иқтисодий муносабатлар ривожланиши орқали боғланган. Бу муносабатларнинг ҳозирги аҳоли иккала давлат учун ҳам қаноатланарли эмас. Анжуман қатнашчилари нутқларида давлатларнинг мустақилликка эришиши тўғрисидаги қийинчиликларни таъкидлади. Бунга эришиш учун ўзаро муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги механизмни ишлаб чиқиш зарур. Бу ўринда давлат тасарруфидан ташқаридаги нуфузли ташкилот бўлиши саноатчилар ва ишбилармонлар конгресси фаолиятининг аҳамияти каттадир.

Мунозараларда иштирок этган анжуман қатнашчилари

ҳамдўстлик доирасидагина эмас, собиқ Узро Иқтисодий Ердам Кенгаши мамлакатлари билан ҳам узилган алоқаларни тиклаш тўғрисида гапирдилар. Аммо бунинг учун мустақам ҳуқуқий асос яратилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнги Фармони ишбилармонликни ривожлантиришда кенг истиқболлар очади, ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлайди. Ўзбекистон раҳбарияти қўллаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли бозор иқтисодийга олиб борадиган энг тўғри ва қисқа йўлар.

Саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгашининг мажлиси давом этмоқда.


Л. ЛЕВИН,
П. НИШОНОВ
ЎЗА МУХБИРЛАРИ.

Янги мелодий йил бошланиши муносабати билан республикаимиз Президентини Ислам Каримов номига турли мамлакатлар раҳбарларидан қутловлар ҳамон келиб турибди. Яқинда АҚШ Президентини Билл Клинтон ва унинг рафиқаси номидан қуйидаги табрикнома олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Биз оиламиз номидан Сизга ва Сизнинг оилангизга байрамона кайфият тилаймиз. Янги йил Сизларга саломатлик, бахт-саодат ва тинчлик келтирсин.

Билл КЛИНТОН,
Хилари КЛИНТОН.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш. Қ. ГАТАУЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚўМИТАСИНING РАИСИ ЭТИВ ТАЙИНЛАШ Тўғрисида

Шамиль Қодирович Гатаулин Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этив тайинласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

ЖАНОБ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЗРАТИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Жаноб Президент, Покистоннинг «Табани групп оф компаниз» фирмаси Сизга ўзининг зўр хурда катта мадад бўлиши ҳамда уларга Ипан йўлида тарихан янгида қилган шерикчилик билан кенг ҳамкорлик қилишларига имконият яратиб шубҳасиздир.

Сиз жаноби олийларига миннатдорлигимизни яна бир бор изҳор этамиз. Сиз билан биз, фирма ходимлари билан бирга Ўзбекистоннинг келажги порлоқ бўлишини тилаб, дуо қиламиз.

Мухаммад Аббос Хон, «Табани корпорейшн» компаниясининг ўрта Осиёдаги бошқарувчиси.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгаши йиғилишида сўзлаган нутқи

Мухтарам Аркадий Иванович! Ўзбекистон ҳуқуқати номидан мақур анжуманнинг барча иштирокчиларини, саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси, саноатчилар ва ишбилармонлар минтақавий бирлашмалари намоёндаларини, директорлик корпуси раҳбарлари ва вакилларини қизгин табриклашга ижозат бергайсиз.

Бу ерда ҳозир бўлган Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия саноатчилар уюшмалари вакилларини алоҳида мамнуният билан қутлайман. Бу анжуманининг муҳимлиги ва уни ўтказиш заруриятини ҳис қилган ҳамда унда иштирок этишга розилик билдирган меҳмонларимизга ташаккур изор этаман.

Аркадий Иванович, биз — Ўзбекистонликлар сиз бошқаретган ҳамда фаолият иқтисодий ва сибсатий барқарорлигини таъминлашга, бозор ислохотларининг ўйланган ва доно сибсатини амалга оширишга йўналтирилган ишбилармон кишилар ҳаракатини юксак қадрлаймиз. Халқаро конгресснинг хўжалик фаолияти муайян жараёнларини ҳис қилишни асос қилиб олган барча илғор кучлар билан ҳамкорликка интилиши бизга айниқса маъқул.

Мен сизнинг саноатчилар ва ишбилармонлар — жамиятнинг «ўйин қондалари»ни тезроқ тартибга солиш заруриятини ҳис

қилган тоифасидир, деган фикрингизга қўшлман. Бу қондалар бизнинг Евроосиё иқтисодий маконидега ҳам амал қилиши лозим.

Европа ва Осиё мамлакатлари саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро кенгаши йиғилишини ўтказиш учун Тошкентнинг танланиши менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Тарихнинг ўзи Ўзбекистоннинг ўрнини Фарбон Шарқ билан, Жанубини Шимол билан боғлайдиган Евроосиё йўллари чорраҳасида белгилаган. Бизнинг республикаимиз Евроосиё иқтисодий ҳамда пулни қадрсизлаштириш тўғрисида бундан икки йил бурун Ўзбекистон оғир моддий аҳволга тушиб қолган эди. Бу вазият бизнинг олдимиёзга иқтисодиётимизга вазифан қўйди: бир томондан бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича теран ислохотларни амалга ошириш, иккинчи томондан эса, иқтисодиётини барқарорлаштириш, аҳоли турмуш шартининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик зарурати пайдо бўлди.

Бундай шароитда ўтган йиллар қодирган оғир

меросдан қутилиш, қитъасиёдин ҳамма томонлама қайта ташкил этиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришиш учун ҳақимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган ҳаёти, турмуш тарзи, тарихий ва миллий ўзига хослигига асосланиб, шунингдек, бундай машаққатли йўлни босиб ўтган мамлакатларнинг бой тажрибасини ўрганиб, биз тараққийнинг ўзимизга хос йўлини танладик. Бу йўл беш принципти асосланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий сибсатдан устун туриши керак. Мамлакатнинг ички иқтисодий сибсати ҳам, ташқи иқтисодий алоқалари ҳам ҳар қандай сибсатий мафруза таъсиридан бутулай халос бўлмоғи лозим;
2. Давлат иқтисодий ислохотларнинг ташаббускори ва уларни ҳаётга тадбиқ этадиган асосий кучдир.
3. Давлат иқтисодиётдаги стратегик устивор йўналишларни танлашга, ҳуқуқий асосни шакллантиришга масъул бўлиб, тадбиркорлик тизимларини барпо этиш ва ривожлантиришга ҳамда давлат бошқаруви тизимларини, кредит, солиқ ва валюта, сибсатини мукамаллаштиришга, сармоёларни жалб этиш учун шароит яратиш ва аҳолини ислохотларга тайёрлашга масъулдир;
4. Ижтимоий ҳаётдаги барча соҳаларда қонуннинг устунлиги.

Бу тамойил республиканинг барча фуқаролари ва юридик шахсларига ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришда тенг ҳуқуқлар яратиш берилишини билдирди;

4. Аҳолини, айниқса унинг ижтимоий ноҳар қисмини, ноғиронлар, болалар ва серфарзанд оилаларни муҳофаза қилиш таъминлашга қаратилган кўпчи ижтимоий сибсат юргизиш.
5. Давлат ўз аҳолисини, айниқса машаққатли ўтиш даврида муҳофаза қила олсагина, у инсонпарвар давлат ҳисобланади;
6. Бозорга босқичма-босқич ўтиш.

Мавжуд иқтисодий вазият, мамлакатнинг демографик ўзига хослиги, оилаларнинг кўпчилиги қисимдан даст турмуш шароити бозорга ўтиш даврида «фалаж қилиб қолди» усули республикаимиз учун мос келмаслигини кўрсатади. Ташқи иқтисодий, молия-кредит тизимларини ўзгартириш, мос келадиган ҳуқуқий асосни, бозор муносабатларини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш учун вақт керак. Зарур шароитларни яратмасдан, одамларни жиғий ўзгартиришга тайёрлаш зарур. Уларга бозор муносабатларини тиништирмоқ кутилган натижаларни бормаслигидан ташқари, бозор иқтисодиёти фолсининг ўзини оғуриштириб қўйиши ҳеч гап эмас. Халқимизнинг «янги уйни қурмай туриб, эскисини бузиш керак эмас», деган

доно мақоли шу ўринда жуда қўл келади.

Бозорга ўз йўли билан ўтаётган Ўзбекистоннинг нимаси бор эди? Ўзбекистон бой табиий — иқтисодий ва минерал — хомашё ресурсларига эга экани сизга маълум бўлса керак, албатта. Аниқланган 750 турдаги минерал ресурслар захиралари қийматини мутахассислар тахминан 3 триллион доллар, деб белгилади. Мис, кумуш, қўроғош, рух, вольтрам, табиий газ ва бошқа бир қанча фойдали қазилмалар захиралари бўйича мамлакатимиз дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбекистон жаҳонда олтин қазиб олиш бўйича еттинчи ўринда, олтин захираси бўйича эса, бешинчи ўринда туради.

Республика иқтисодиётида рангли металлари қазиб олиш ҳам асосий ўрин тутади, шунингдек республикада қобил металллар ва стратегик материалларнинг аниқланган катта салоҳиятига эга.

Республика табиий газ, кўмир, нефть «каби ёнғил энергетика ҳамда сув ресурсларига бой. Газини янада қилданган кун яқин эканига ишончимиз комил.

Ўзбекистон яхши табиий шароитга эга. Бизнинг бир йилимиз уч минг қуёшли соатдан иборат бўлади. Бундай шароит йилга бир ярим миллион тоннага пахта толаси ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Марказий Осиёда қора металллар, оғир самолетлар, двигателлар, пах-

та терит машиналари ва жуда қиллоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқарадиган ягона республикадир. Бизда йирик кимё корхоналари бор. Биз уларнинг фаолиятини замонавий захарсиз ўғит ва пестицидлар, бўёқ моддалари, кимёвий товлар, табиий дори-дармон, пластмассалар ишлаб чиқаришга йўналтирмоқчимиз.

Кадрларимизнинг юксак илм-зиё салоҳияти, ҳаётимизда ёшларнинг тугган салмоқли ўрни иқтисодиётимизни янги кучлар билан таъминлашнинг келажакига катта умид билан қарашимизга асос беради.

22 миллион аҳоли (шунинг ярми 18 ёшгача бўлганлар) яшайдиган, ноёб табиий шароитда ўрнашган, энергетика ресурслари ва қазилма бойликларга, бой минерал захираларга эга бўлган Ўзбекистон энг муштарак ривожланаётган ёш мустақил давлатлардан биридир.

Шу жиҳатдан қараганда ўтган 1993 йил бурилиш даври бўлди. Республикаимиз бозор иқтисодиётига ўтиш қондалари ва шакллари тўғрисидаги, бозор муносабатларини аста-секин шакллантириш тусидаги Ўзбекистон ўтган йили иқтисодий кўрсаткичлар таназзулини тўхтати, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш эса муайян даражада ўсишига эришти.

(Давоми 2-бетда).

АЪЛОЧИЛАР БИР ТОМОН, ҚОЛОҚЛАР... ИККИНЧИ

Тасаввур қилинган, сиз ўқитувчисиз, дарса кирдириш, ўқувчиларнинг ҳаммаси билими, ўтилган мазмунни яхши билади, кимга савол берсангиз, жавобдан қўнглингиз тўлади. Ваҳо қўнглида ҳам ҳар хил сонни ёзмайсиз, «4», «5»...

Худди мана шу дақиқада бошқа бир ўқитувчининг ҳолатини кўз олдидангизга келтиришга уриниб кўринг. Ўтилган мазмунни ҳам ўқувчи ўзлаштирган, жавоблар унчалик қонқарли эмас, дафтарлардаги бир хил баҳо-ларга ўз шундай бўлиши керакдай кўз югуртирасиз. «3» ва онда-сонда «4»...

«Халқ ҳам жой билан-да» деган фикрга келганлигингизни сезяман. Эшитсангиз, ишончи қийинроқми? Мен ҳам шундай ўйлаган эдим. Эшитганимда, Кўрганнимдан, суҳбатлашганимдан кейин баъзан бир хулосаларга келдим.

Сизларни ҳам аълочилари бир томон, паст ўзлаштирувчилар иккинчи томон — алоҳида-алоҳида синфхона-ларда тахсил олаётган болаларнинг маънавий билан танишганим келди. Улар Навоий туманидаги 15-мактабда ўқишади.

Сайфулло ака Шарипов бир неча йиллардан бери мактаб ўқитувчиларига етакчилик қилади. Бир неча марта ўқиш жараёнига янгилик киритган тарбиячи. Табақалашган синфлар гоёси ҳам мана шу мактабда пайдо бўлиши бежиз эмас.

Ўқувчиларни табақалаштириб ўқитишдан мақсад нима эди? — Йиллар давомида давом этиб келаётган дарс ўқиш усулига ўзгартириш киритганим келди. Чунки ҳар бир боланинг қобилияти ҳар хил. Қизиқиши ҳам. Кимдир биринчи синфдан яхши ўқиб, мактабни аъло баътиради. Кимдир ўн йил давомида аъло баҳо олмаган мактаб билан ҳайрланади. Ҳар ким қолдиқ ярашади. Чунки бир хил дарс ўқиладиган талаб ҳам ўшандай. Табақалаштиришдан асосий мақсадимиз — барча билим-ли бўлиш. Паст ўзлаштирувчилар болалар учун енгиллаштирилган режа ишлаб чиқилди, ўзлари қизиқадиган фанлар

га кўпроқ эътиборни қаратди.

— Барча паст ўзлаштирувчилар бир синфда бўлса, улар ўзлари билан ўзлари «қорниб» қолишадими?

— Болаларда барбир «мен сендан камми» деган «фурқатчилик» бўлади. «8»-«1» синфиди 18 нафар паст ўзлаштирувчи бола бор эди. Орадан ўтган ойлари ичиди улар 18 нафар қолди.

— Аълочилар ичидан паст ўзлаштирувчилар орасига тушиб қолди коллари ҳам борми?

— Албатта. 5-синфдаги икки нафар ўқувчимиз аълочилиқдан паст ўзлаштирувчилар синфига ўтказилди. Кейинги пайтда баҳолари пастайиб кетди. Бунинг сабабларини ўрганиб чиқдик.

— Ўқувчилар қайси жиҳатларига қараб табақаларга бўлиди?

— Бунда фақат билими эътиборга олинган. Ўқу. Тест туздиқ. Тартиб-интизом, атрофдагиларга муносабатларини ўргандик. Ҳар бир фан ўқитувчисининг фикрини тингладик.

— Бу ҳолни ота-оналар табиий қабул қилишадими?

— Қайда. Бир қанчаси норози бўлиб ҳам келишди. Уларга боласининг тест натижаларини кўрсатдик.

— Тушунишадими?

— Аввалга тушунишмади. Ҳозир бу борада муаммо йўқ. Ҳар ким ўз боласини барбир билади-ку.

— Ўқитувчиларнинг ҳаммаси аълочилар синфиди дарс ўқишни истасиша керак-а?

— Буни ким истамайдик? Лекин бизлар энг таърибли ўқитувчиларимизни паст ўзлаштирувчилар синфига бириктириб қўйдик.

— Мактабимизда яхши ўзлаштирувчилар кўпми, ё асосанчиди?

— Яқин 1200 ўқувчи бор. Шуларнинг 672 нафари яхши ўзлаштирувчилардир. 12 нафар мутлақо ўзлаштиролмайдиган болани ҳам бор. Бунинг кўп ўқувчиларидан қўнглингиз тўлади-ми?

— Тўғриси айтсам — йўқ. Болаларнинг баъзилари қараб, «уларга ўзи нима бўлган» деб ўйлайман. Кейинги пайтларда ўқувчиларнинг шайба кунлари

дарса келиши намайиб кетди. Улар шу кунлари савдо-сотқ билан шуғулланишди. Бу ҳолат бу йил жуда кўпайиб борапти. Яширмайман, билим олишдан ҳам пул топишга қизиқиш кучли. Баъзи ўқувчилар дарс пайтида ўтилган мазмунни тингламасдан, пул санаб ўтиради. Ҳўнтакларида минглаб сўм юради. Бир нечасидан олиб ҳам қўйдим.

— Ўқишга қизиқмаслик фақат пул топишга бўлган интилиш билан боғлиқ деб ўйлайсизми?

— Ҳа. Болаларнинг руҳияти шунча, қизиқиш кучлилик қилади. Қай томонга қизиқиш кучлилик қилса, ўша томонга тортиш кучли бўлади.

— Улар шу йўл билан ота-онасига ёрдам бергиси келар.

— Балки. Лекин ота-онаси боланинг ўқишини ташлаб қўйишига шарапт яратмаслиги, боласи топиб келадиган «фойда»га кўз тикмаслиги лозим.

— Ҳозир битта рўчка фалон сўм туради. Дарсликлар, эҳтиёж нарсалар-чи?

— Мен бу саволингизга Асосий Қомусимиздаги бир бўлимда ёзилган мана шу сўзлар билан жавоб бергим келади. «Ота-оналар ўз фарзандларини 16 ёшга етгунча боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар».

— Ўқитувчиларни қийнаётган муаммолар фақат шунга бўлмас керак.

— Асти сўраманг. Дарсликлар азоб берапти. Миллий дарсликлар кам. Вазирлигимиз томонидан белги-ланган мазмунларни топишда ўқитувчиларимизнинг ўзлари қанчалик қийналишадиган. Болалар қайдан топиб ўқисин.

— Домла, бу йилдан мактабимизда миллий синфлар ҳам ташкил этилди-ми? Бунга қандай мезонлар қўйгансизлар?

— Албатта қизлар алоҳида, болалар алоҳида ўқитилмоқда. «Одобнома» дарси, юриш-туриш, қийинчи... Миллийликнинг ҳолат-талабларидан келиб чиқиб дарс ўтилмоқда.

— Муаллимлар ҳам аёл-эркак ўқитувчиларга бўлинганми?

— Ҳа. Бунга қандай қисми аёллар.

— Миллий синфдагилар буни қандай қабул қилишадими?

— Таважжубланмиш йўқ. Лекин улар ўзларича «нимма бизнинг синфда қизлар йўқ» деб ўйлаш керак.

— Миллий синфлардаги болаларнинг қайси ажра-либ турувчи ҳолатини пайқадиларингиз?

— Кўтара янгитлар билан бир иш қилиш қийин экан. Улар қизларга қараганда барбир сустлик қилишаркан. Айниқса, бирор-бир тадбирларда билинапти. Қиз болаларда интилиш ҳам, қизиқиш ҳам бошқача.



ДОРИЛФУНУН БИЛАҒОНЛАРИ

Ҳаётда ҳар ким ўз вази-фасини ва бурчини турлича тушунади. Бу унинг дунё-қараш, билим доираси, феъл-атвори билан боғлиқ. Худди шу нарсалар эса унинг турмушда қандай ўрин эгаллашини белгилайди. Қолаверса, биз ҳаммамиз эр-танги кун — келажак учун ишайми. Мазакур босқичда сурувиб қолмаслик ниятида



Ҳозирги ёшлар

Ҳар гал мактабларга борганимда ўқувчилик йилларим ёдимга тушади. Тасаввур қилсангиз-да, ўша ҳолатга тушиб энди йўқ. Болалик софликлари, орзулари, рост-гўйлиги. Шунинг учун ҳам ўрта ўзлаштирувчилар синфига ўқитган Дилшод Исмоиловнинг гапларидан ҳали-ҳали завқланаман.

— Дилшод, нимага аъло-чилар синфиди эмас, ўрта ўзлаштирувчилар орасиди-сан?

— Ўзи аълочи эмасман-да.

— Яхши ўқиб олмаслигинга нима ҳалақат беради?

— Ҳеч нима. Лекин ўй-лайманки, мени қобилиятим ўрта ўзлаштиришга етса керак.

— Нимадан қўрқасан?

— «Д» — қолоқлар син-фига тушиб қолишдан.

— Аълочилар синфига қачон ўтасан?


— Буни мен билмайман-да.

— Ким билади?

— Оллоҳ билади.

— Дилшодбек, ана шу сам-миё сузларининг узун-қисқисини яхши ўзлаштирувчилар синфиди кўришга, тасаввур қилишга ёрдам беради.

— Гуян ЧЕҲРА, «Туркистон»нинг муҳбири.



тинмай оғинимизни ошириб борамиз.

— Куни кеча Тошкент Давлат дорилфунунда бўлиб ўтган тадбир ҳам ҳаётнинг ана шу қирраларига хизмат қилди, десак, муво-болага бўлмайди. Унда оли-гоҳнинг фақат «беш» баҳо-га ўқийдиган (биринчи куре-лардан ташқари) юз нафар талабаси билан дорилфу-нун профессор-ўқитувчи-лари, шоир ва ёзувчилар, ҳукумат раҳбарлари ваки-ллари учрашди. Тадбир иштирокчилари ўзларининг ўй ва фикрлари, қарашлари билан ўртоқлашди. Ин-гин сўнггида ҳам бир тала-бага ўн минг сўм миқдорид-а пул тақдим этилди.

Биз билан болалардан икки нафари билан суҳбатлашдик:

Шавкат ҲАЛИЛОВ, иқ-тисодий факультетнинг 2-босқич тоғлиби:

— Бизга кўпчилиқнинг ҳавас қилишини биламан. Ахир фақат «беш» баҳога ўқийдиган ўзи бўлмайди. Яширмайман, мен ўзим ҳав-ас қилган, ёқтирган нарс-саларнинг қилидан воз ке-чишга мажбур бўламан. Ҳаётда ҳамма иш ҳам сен истаганчалик бўлавермас экан, ammo истаганини би-ринчи даражали билиб, ас-

тойдил ҳаракат қилсанг, ҳаммаси вожиб бўлаверар-кан.

Муваддас РАСУЛОВА, иқтисодий факультетнинг 2-босқич тоғлиби:

— Баъзан дугоналарим «Бунчалар илминг ортин-дан қувмасанг, соғлигингни ҳам ўйла» деб қолишади. Уларга мийингада кўлиб учун яратилган ва яратила-ётган имкониятлар кўпчи-ликда йўқ. Ундан унумли фойдаланмасанг, вақт кўт-иб турмайдику. Мен ўзимни биланган санамайман. Аммо унга интиламан, холос».

Республика ва ҳукумати-миз биз ёшлардан кўп нарс-аларни кутмоқда. Бизга ишонмоқда. Уларнинг ишо-нчини оқламаган, уят бў-лар...

«Аълочи»лар билан гап-лашиш мароғли. Қанинди, улар ҳар қадамда учраса. Интервью олиб, чарчама-санг.

Ийгилишда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Маркази Қўмитаси котиби Воймурод Юсупов ҳам иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: дорилфу-нунда ўтказилган билан-лар учрашувидан лавҳалар

Мати ва суратлар муал-лифи Муҳаммад АМИН.

Саломатлик клуби

БЎҒМА — «ЖАЛЛОД СИРТМОҒИ»

XVII асрда бу касаллик «Жаллод сиртмоғи» деб аталган. Чунки касаллик ривожланганда, айниқса, халқум дифтериясида беморни бўғиб қўяди ва шундан у ҳалок бўларди. Шу сабабли халқ орасида бу касаллик-ка бўғма деб ном берилган.

Аҳоли орасида томоқ оғришига айрим пайтларда жуда енгиллик билан қара-либ уйда керосин, аччиқ тош эритмаси ёки зеленка спиртли эритмаси билан томоқни артиб қўяди ва ни-ҳоятда хавфли бўлган диф-терия касаллигини ўтказиб юборишди. Ваҳоланки, бу касаллик фақат врач назо-рати остида бўлиши керак ва иложи бўлса касалхона-ларда даволаниш шарт. Ҳар бир касалликнинг ол-дин олган яхши. Шу нақд-га кўра дифтериянинг ол-дини олиш учун аввало кас-саллик манбаига қарши ку-рашилади, бунинг учун бе-мор аниқланганда ёки шу касалликка шубҳа қилин-ганда ҳам улар соғлом ки-шилардан четда тутилди-дан ва дарҳол касалхонага ё-тирилади. Бемор билан му-лоқотда бўлган барча одам-лар дифтерия микроблари-ни ташиб юрадиларми ёки йўқми, бу жиддий текши-рилади. Улар бир ҳафта мо-байнида медицина назора-тида бўлади. Ташувчан-лик аниқланганда, уларни қай даражада микроблардан ҳолос етгунча ҳаракат қи-лиш лозим. Уларга эпиде-миолог, устача врач, то-моқ, бурун, қулоқ касалли-лари мутахассиси назорат-дан сўнг жамоатга қўшили-шига рухсат берилади. Диф-териянинг олдини олишда эмлаш жуда муҳимдир. Янги яқвалга кўра бола-ларнинг орқа доғларида ҳа-дидида қарши эмланади. Ке-йинги эмлашлар 3 ва 4 ой-лигиди қилинади. Ундан ке-йингиси 16 ойлигиди ўтқа-зилади. Эмланган бола кас-сал бўлмаслигининг сабаби шунки, эмлаш оқибатида бо-ла организмда дифтерияга қарши иммунитет ҳосил бў-лади. Одамлар ўртасида дифтерия микробини ташиб юрғувчилар ҳамон бор экан, доим шахсий гигиена қои-даларига риоя қилиш, хона ҳавосини алмаштириб ту-риш, ҳамма ёқни озода, са-ранжом-сарпашта тутиш, ҳар бир киши учун алоҳида идиш-товоқ ишлатиш, тўғри овқатланиш, болаларни ёш-лигидан чиниқтиришнинг аҳамияти жуда муҳимдир.

Касалланган пайтида, ал-батта, врачга мурожаат қи-либ, ўз-ўзини даволашдан воз кечиш керак.

Т. ДАМИНОВ.


1-ТошМИ болалар ва кат-талар юзумли касалликлари кафедраси мудири, про-фессор.

Сўнгги йилларда дифте-рия касаллиги кўпайиб бо-риши кузатилади. Бунинг айрим сабабларини келтир-са бўлади. Биринчидан, кўп ота-оналар болаларни эм-латишдан воз кечишадиган, ик-кинчидан, эмлаш мuddати сақланмапти. Учинчидан, таъсиллик оқибатида вак-циналар камайиб кеталди. Статистик анализ кўрсатки-чи, дифтерия касаллиги бутун дунёга тарқалган ин-фекция бўлиб, ҳеч қайси регион дифтерия касаллиги-дан холи эмас. Республика-мизда дифтерия билан оғри-ган беморлар сони 1993 йилда 50 дан ошиб кетди.

Шу сабабларга кўра биз дифтерия ҳақида маълумот-лар бериб, аҳолини оғохлан-тириш мақсадида шу мақо-лашни таярладик. Касал-лигини қўзғатувчи дифтерия таёқчаси кўчш нурни остида бир неча соат, тарқоқ кў-чиш нурни эса бир неча кун ичиди ўлади.

Шуниси характерлики, диф-терия микроблари организм-га тушганда сўнг яшаш жараёнида ўзидан кўчли захар — экзотоксин ажра-тади. Касалликнинг оғир-ен-гли кечини шу экзотоксин-га боғлиқ бўлади. Дифтерия инфекциясининг табиатга-тич манбаи — дифтерия би-дан оғирётган бемор ёки шундан тухалиб келаятган, шунингдек, ўзи соғ бўлса ҳам, микробларни ташувчи шахс бўлади. Бемор ёки ташувчи организмдан дифтерия микробларининг заррача-лари ташқи муҳитга, бурун ажрамалари билан акса, ур-ганда, гапирганда тарқали-ши мумкин. Демак, микроб-лар атрофдаги одамларга асосан ҳаво-томчи йўли бил-ан ўтади. Аҳоли тушуна-сиди — дифтерия билан кўпроқ болалар касаллана-ди, дейилади, лекин сўнгги пайтларда болаларни дифте-рияга қарши эмлаш тўғриси-ли, касаллик болалар ора-сиди камайиб, кўпроқ катта ёшдаги одамлар орасида учрайдиган бўлиб қолди.

Касаллик қўзғатувчи мик-роб ҳалқум, томоқ, бурун, кекирдик шилдиқ қаватла-ридада тушган, у ерда қў-



● МЕКСИКА ҳу-қуматининг кескин қаршиликка қарамас-дан Америка Қўшма Штатлари икки дав-лат чегараси ҳудуди-да радиоактив модда-лар чиқиндисини сақ-ланадиган омборхона қурмоқчи. Мексика атраф-муҳитини муҳо-фаза қилиш вазири-лиги мутахассисла-рининг фикрича, захарли моддалар «қабри-сти» ҳар икки мамла-катнинг чегара қис-мида истиқомат қилади-ган аҳолига жиддий зарар етказиши. Тери касалликлари, тузма ногиронларнинг кўп-айишига олиб келади. АҚШнинг энергетика вазирининг омборхона замонвий хавфсиз-лик техникаси билан жиҳозланганини ай-тиб, аҳолини тинчлан-тирмоқчи.

● МАШҲАД шаҳ-рининг жануби шарқий қисмидаги Монар тор йўлида автомобиль ҳа-лоқатга учради. На-тижада 3 киши ўлди, 33 киши жароҳатлан-ди.

Хуросон вилояти полицияси текшируви натижасида шу нарса маълум бўлдики, юк ташиниша мулкдорчи-си 100 нафар афгон атраф-муҳитини чегарадан Теҳрон шаҳрига олиб бориб қўйиш эвазига киши бошига 80 дол-лардан маблағ олиш-га келишган. Ҳалоқат натижасида ҳаётовчи шикастланган. У пол-иция томонидан қў-лга олинди.

● ПОКИСТОН Бош вазири Беназир Бҳут-то кашмирликларнинг «ўз ҳақ-хўқўқлари учун кураш»га ба-

лаб, Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти жа-ҳон ҳамжамияти эъти-борини Ироқ ва Со-малига қандай қарат-ган бўлса, Кашмирга нисбатан ҳам худди шундай йўл тутиши зарур, деди.

Бош вазирининг му-ҳолифи Навоз Шариф ҳам бу тадбирларни қўллаб-қувватлади, деб хабар беради Покистон ахборот маққамаси.

● АМЕРИКА Қўш-ма Штатларининг ши-моли шарқ қисмида жойлашган бир қанча штатларда кучли со-вуқ салтанб турди. Сўнгги ҳисоб-китоб-ларга қараганда, йў-налган сони 142 ки-шидан ошиб кетган. «Нью Йорк Таймс» га-зетасининг хабарига кўра, йўл ҳалокатла-

БҲ КҲХНА ДУНЁ

ВОКЕАЛАР · ХАБАРЛАР · ХОДИСАЛАР

ғишлаб 5 февраль кун-и ўтказилайдиган иш ташлиши қўллаб-қувватлади. У парла-мент қўмитаси йиғи-лишида Кашмир ма-саласи бўйича сўз-

рининг кўпайгани, бош-панасиз одамларнинг кечаси 30—40 даража совуқда қўлча қолиб кетиши натижасида ҳар кун йўлб одам ҳалок бўлмоқда.

решоҳатларни қўллаб-қув-ватлаши, уни мустақил дав-лат сифатида эътироф эти-ши таъкидланган.

1983 йилда ҳам икки мамлакат ўртасида дипло-матик алоқалар мавжуд эди. Лесото ҳукуматининг Тай-ван билан ҳамкорлик муно-сабатларига қириниши ту-файли 1990 йилда дипло-матик алоқалар бузилди. Янги имзоланган шартнома-да Лесото Тайвани муста-қил давлат сифатида тан-ололмаслигини таъкидла-ган.

● БИР ЯХШИНИНГ бир ёмони бўлганидек, ноқачонинг калтиси ҳам бор. Бугун тўхтабди-ганимиз паст бўйликлар ҳақида.

● КИЧКИНАНИНГ КИЧКИНАСИ

● 22 августда Афна-нинг Лирфон «Бодат» на-сидида вафот этди. 67 йаш-да унинг бўйи 57 сантиметр бўлиб, оғир-лиги 5 киломи ташкил этарди.

● Энди эркакларнинг ли-липуллари ҳақида тўх-талсак, биринчи бўлиб, Келвин Филлипсинг номини қайд этиш мум-кин. У 1791 йилининг 14 январиди Массачусетс штатининг (АҚШ) Брэд-жустер шаҳрида 907 грамм оғирлик билан туғилган. Беш ёшида ўсишдан бутунлай тўх-таган. 19 ёшида бўйи 67 сантиметр, оғирлиги эса кийимлари билан 5.4 кило бўлган. 1812 йили кесаллик тўғрисида вафот этган.

● Кичкинали бўйича ке-йинги ўрин мадридлик 1920 йилда туғилган Пол Дел Риога нисб-етган. У 1938 йил Го-лливудга боради ва у ер-да чок этиладиган «Лайф» журнали унинг бўйига алоқадор хабар-ни «енг жамоатчиликка охиқор этган» ва бу ха-бар Полнинг номи «Ре-кордлар китобига кир-калтиришга сабаб бўлди. Ушунда Полнинг бўйи 48 сантиметр эди. Ке-йинчалик у 68 сан-ти-метрча ўсган.

● Уильям Е. Жексон ҳам кичкинали руҳча-хад кишилар олган. Май-ор Малотка лақаби бил-ан бўлган бу зот, 1864 йил 2 октябрда Янги Зеландиянинг Да-нидин деган жойида 340 грамм оғирлик ва 23 сантиметр бўй билан туғилган. 1880 йил но-барчада унинг бўйини ўл-чашганда 53 сантиметр-ни ташкил этган, оғир-лиги эса 4 килони. 1900 йил декабрда АҚШ-нинг Нью-Йорк шаҳри-да вафот этган. Ушунда бўйи 69 сантиметр эди. 1983 йилда яна бир лилипут — Димитрий Мо-рокок (1960 йил Греция-нинг Порос шаҳрида туғилган) ҳақида, унинг бўйи 65 сантиметр экан-лиги тўғрисида ҳам хабар тарқалди. Бироқ бу хабар тиббий тас-диқдан ўтмаган. Шу-нинг учун унинг номи-ни кичкинали руҳча-хад киритилса ҳам бў-лади, киритилмас ҳам. У 1985 йил 22 ёшида вафот этган.

● Муштарий, ушбу ҳу-баримизни бугун ша-ҳарида тўхтади турсақ. Қолганини кейинги сон-да ўқисангиз, деган умиддамиз. Ахир ҳар нарсанинг мейвасида бў-гани яхши, тоғли тую-лади.

КОРЕЯДАН ҲАЙРИЯ СОВҒАСИ КЕЛДИ

Корея Республикасидан Тошкентга юк ортилган са-молет келди. Унга бемор-ларни ташки этишда иш-латиладиган ультратовуш апаратлари юкланган бў-либ, бу апаратларни Корея Республикасининг ҳукума-ти Ўзбекистон шифокорла-рига бераган инсонпарвар-лик ёрдами сифатида жу-натган эди.

Ўзбекистон Республика-си Соғлиқни сақлаш вази-рининг ҳайрия совғасини тошриши маросими бўли-ди. Маросимда қатнашган Ко-рея Республикасининг Ўзе-бекистондаги муваққат ишлар вакили жаноб Пак Ро Бек бу инсонийлик ёрдами икки мамлакат халқлари ўртаси-даги дўстлиги ва ҳамжиҳат-лигини яна бир бор тасдиқ-лайди, деб таъкидлайди.

— Биз ўз вақтида берил-ган бу ёрдамни миннатдор-лик билан қабул қиламиз, — деди Республика соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Р. Султонов. — Корея мутахассислари, Ко-реяннинг илмий ва тиббий марназалари билан яхши амалий алоқалар йўлга қў-йилмоқда. Корея Респу-бликасининг ёрдамида Ўзе-бекистонда сариқ касалига

қарши вакцина ишлаб чи-қаришда завод куриш ре-жалаштирилди.

Республикамизга кўп ма-млакатлар тиббий инсонпар-варлик ёрдами кўрсатмоқ-да. Сўнгги вақтингн Заида-гина 20 давлатдан, жумла-дан Япония, Туркия, АҚШ, Ҳиндистон, Франция, Гер-мания, Голландия ва бошқа мамлакатлардан дори-дар-монлар, тиббий асбоблар, болалар таомлари ва вакци-налар келди. Уларнинг умумий қиймати 65 миллион Америка долларига тенгдир.

Л. СТРУНИКОВА.

Полни хоним айни балоғатга етганда оғир-лиги 3,5—4 килолик тоғ босган.

1979 йилда 50 сан-ти-метрлик бўй ва 1,98 ки-лолик оғирлиги билан 9 ёшли Стратула ис-м-ли грек қизи Гиннес-нинг «Рекордлар китоб-ига номи қайд этил-ди. У 1969 йил сентя-брда 15 сантиметр кат-талида туғилган. У ҳам кўп яшамаган — 1985

Хайда жавоби топилмайдиган саволлар кўп. Шунга қарамай ўшандай саволларнинг баҳридан ўтолмайсан, киши. Чунки, «Бадий ижод нима?» деган савол ўз ҳолида қўймайди. «Одамлар нега роман ёзади...? Шеръ битида... Устахонага қамалиб олиб патилла-патилла бўлиб кетган соқоқлига тарақ уриш эсинга келмай расм чизадми? Негат?»



Саъватнинг сеҳрли олами

ФИРДАВСНИНГ ОРЗУ БЎЁҒИ

Эссе

«Хар қандай ижод дунёвий ва рухий асосга таянади. Дунёвий ёки моддий манфаатни изоҳлашга ҳожат йўқ. Руҳий, яъни руҳоний асос жилваларидан баҳраманд бўлиш эса тафаккурни бойитиши, тафаккур бойитгани сайин одам кенгайди ва шунинг баробарида Инсон гузалаша боради.

Ижодкор қалб соҳибининг ботиний гузалашуви баҳра олиш эрки билан ўлланади. Баҳра олиш эрки дунёвий бадий ижодга эҳтиш — тасвирлаш ҳурлигига қўшилиб кетади. XX асрнинг буюк муассирларидан бири Салвадор Дали (Испания) бу ҳодисани «руҳнинг эркин ижоди» дея талқин қилади. Бошқа ўринда у ижод эркинлигини анъаналардан, урф-одатлардан, дақиқ қадриятлардан воз кеча олиш дея тақорралади. «Сарфитлардан юз ўтиринг!» дея хитоб қилади.

Еш ўзбек расмони Фирдавс Файзуллоҳнинг «Ижод — руҳий таскин, тасалли» деган иқроори беихтиёр С. Далнинг хитобларини эсга солди.

Дарҳақиқат, ижодкор илҳом олинганда муттасил таскин-тасалли излайди, ўзи топанг тасаллидан баҳра олади. Тотли изтироблардан қониб улгурмай қониқни қониқмасликка айланади — шу тариқа ижодий изланиш, ижодий янгилик, юксалиш... давом этаверади.

...Қиз бола. Бошга ярим ёпиқган рўмол — шахмат тактиси. Қора шох — йот! Ҳийла олинса қўнға обида!.. Асар мазмунини ана шу уч асос белгилади: яъни, бир, айл-илрок мот, илҳомдан даврлар одамлар ўтмишини унутдилар.

Шу фикрнинг ўзиёқ ўзига хос ечимда тасвирлангани тахсинга сазовор. Лекин мен бир мулкис сифатида асардан чуқурроқ, абадийроқ, макон ва замон ўлчовларидан ҳолилик даражасига кўтариладиган «бадий гап» излайман ва топаман: қора доналар шохни ниҳоятда жуён қолдирга таслим этилган... шурунги тафаккурдан тўхташиб ва фикрсиэликка олиб келиш айтарли мушкул эмас, бунинг учун шох (ақд шох)ни ёлғизлаштирилсин, бас! Онлар мот этилган жойда тарихий обидалар тисмолидаги ўтмишгана эмас, фалакнинг мўъжизалари ҳам унутлади... «Аччиқ олма» ҳам хар бир томошабини ўзича ўй суришга даъват этади. Юзини ўтирган қиз, сочлари тўзгилган. Опоқ сочиқ устида бир дона қип-қизил олма. Қизил олма — тақдир олма си! Кимга насиб этди экан бу аччиқ олма?! Эҳтимом, тотли олмадир?

Бу саволга хар ким ўзи-

дирувчи бир сеҳр ёш рассом ишларига ўзига хос салобат, донишона босиқлик ато этмоқда. Яна — булутлар томошабини ҳаёлларини пароканда қилиб юборади ҳам, қалбларда гоҳ вазминлик, гоҳ безовталиқ уйғотади. «Нигоҳ»да шундай. «Қафас»да ҳам.

Дарвоқе, мазкур асарни «Тескари дунё» деб аташ тўғрироқ бўлур эди. Кўз ўнгингизга келтиринг: қушлар озодликда, париваш қиз — қафасда; булутлардан кўнариб чиққан илдиэлар ўсиб, тарвақайлар ерга қадар тушган.

Тескари мушоҳада. Воқеа-ҳодисаларни реал ҳаётдагидек эмас, бамисоли тушда кўргандек тасвирлаш. Реалик ва ирреалик, яъни ҳаётнинг кечинмаларини аралашма, қоринма алфозда умумлаштири олишнинг Андре Бретон (Франция) «сюрреализм» деб таърифлаган. Сюрреализм аломатлари ўзбек рассомлари ижодига ҳийла бурун кириб келган. Ўзбек шoirлари ҳам бу борда отини қамчилиганларига кўп бўлди. Журтагли ёш ноҳуриларимиз шoir биродарларидан орта қолмаслик ҳаракатида Фахат дунёни ушбу услубий йўналишда инъикос этилган асарлар кўпда оммалашиб улгурмапти. Сюрреализмнинг асосида реализм ётишини, сюрреализм — тасвир имкониятлари чексизлик қадар кенгайтирилган реализм аканлигини ҳатто аксар ижодкорлар, аксар мутахассис... шунослар-да англаб етмаётганлар. Ва бу англамаслик, ҳазм қили олмаслик «Шарқона ўзиниқини» тушунчасини «Гарбона ўзиниқини» тасавуридан устун қўйиш билан хаслушланмоқда.

Қабул қилмасликни истганча асослаш мумкин, аммо-лекин барча далил-исҳий, самовий, «Нигоҳ»даги кўзалар замининг, турфа одамлар қарашларидир. Курран арз устидаги лампа шиша ёнидаги қозғоқда «Инсон бўлмаган инсон қадрини билмас» деган ёзув. Ёзув юқоридаги нигоҳларнинг таъсири — изоҳидек ўқилади. Яъни, хар нигоҳ — бир олам! Сенга тик қадалиб тургани ҳам, қизини олиб қонаётган нигоҳлар ҳам туганмас ҳикмат, туганмас жумбоқ!

Фирдавс аксарият асарларида рамз сифатида булутларни кўп чизадми. «Булутлар — композицион яллитликни таъминлайди» деди рассомнинг ўзи. Шунингдек, булутлардаги ўйчанлик, кишини ҳайлга тол-масам!

Асл рассомлар маънавий фаза ва кенгликни англашнинг мутлақо янги мақомларини излашларини таъкидлаган эди С. Дали. Бугунга келиб еш ўзбек расмони Фирдавс Файзуллоҳ таъсирли саъватини айни шу мутлақо мураккаб ва муттасил баҳсли йўлини танилади.

Бу йўлда Фирдавста сабот ва омад ёр бўлсин. **Хуршид ДУСТМУҲАММАД.**

Улмас Умарбековни таъғинимга ҳам қирк йил бўлди. Ушанда у Урта Осий Давлат университети филология факультетининг юқори босиқ талабаси, комсомоллар сарқони эди. Комсомолнинг ётгани айтаган, дегани деган пайтлар. Агар Улмас Умарбеков кўнглида хоҳиш туртилса, комсомол арбоби бўлиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Лекин у ҳаётини ижодга бағишле-ди. Зеро, ўша кезлар ёшлар ҳам руҳий, маънавий изланишдаги тирганик бадий адабиётдан, санъатдан ахтаредиган бўлиб қолишган эди. У пайтларда Марказий Осийда Кафка, Камю, Сартр, Хемингуэйлар — 20 ас Европа, Амриқо адабиётини намуналари кириб келмагани ҳали. Улмас адабиёт билан алоқа суслииб кетган, дин-тарикат тарихлари тақа-тақ бекитилган. Чўлпон, Фитрат, Маъжон Жамойб, Усмон Носирлар расмон «қонлаган» бўлсалар-да, кимлардир уларнинг мероси юзага чиқишда ҳамон тўсиқлик қиларди. Ана шу пайтда навқирон насл руҳий, маънавий раҳнамоси бўлиш масъулиятини ёшлар адабиётини ва санъатини ўз зиммасига олди. Бадийот оламида нурдек покиза Жамила (Чингиз Айтматов), Муқаддас (Одил Ёқубов), Зулайхо (Пиримқул Қодиров), Ойнопук (Улмас Умарбеков) абозлари яратилди. Булар социалистик мусобақа жабҳасида меҳнат қилвериб эркаклар бўлиб кетган, китобхонинг эсанасини қотирдиган тиссоллар эмас, балки фаришаддек сирли, жоэзобли, қалбларига бир дунё орзу-армони яширин АЕЛ эдилар.

Улмас Умарбеков билан олдинма кейин адабиётга кириб

қелган ижодкорлар қалб билан-лов ёнган бўлса-да, ўзини панага олиб юрган ёки шундай йашага маҳкум одамлар суварти ва маънавиятин чиза бошладилар. Чингиз Айтматовнинг Танабойи, Тўлғаноной момоси китобхон қалбига йўл тоқди. Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров кисса ва ҳикояларида одамгарчиликни муқаддас билган кескалар сиймоси яратилди. Улмас Умарбековнинг Солиа холаеси, Ғулмоқдир отаси ҳам шулар жумласидандир.

Етмишчи йиллар ёшларнинг ёзувчи бўлиш иштихори эди, албатта. Чунки бу адиблар социалистик реализм андозаларини бўзиб ўтишди, ҳаёт ҳақиқатини бор бўёқлари билан ақл эттиришга киришилди. Ёшлар адабиёти «Қалбига қулқоқ сола, деди. Ёшлар шундай қилдилар. Ёш ижодкорлар «Муножотини» тинглаш жараёнидаги замондош ҳолатини тасвирладилар. «Мен нечун сезаман Ўзбекистонни!» дея туриб ёшлар руҳидеги ғурурини тасвирлаган бўлсалар, «Ўзбеким» деб қалблардаги фахрини ифодадилар. Ёшлар адабиёти «Одамларни нозик ўрганишга киришди, «Одам бўлиш қилини эканлигини дил-дилдан англаб еттишди.

Етмишчи йилларда ёш ёзувчи билан учрашув руҳият-маънавият байрамга айлиб кетар эди. Ёшлар ижодкор деганда бетакор,


бошлаб машхур ёзувчи, шoir, санъаткорларга Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотини берадиган бўлди. Бирин-кетин Эркин Воҳидов, Улмас Умарбеков, Абдулла Орипов, Гулчехра Нуруллоева, Гулчехра Жўраева, Иброҳим Гофуров, Худойберди Тўлжабоев ва бошқа катар истеъодлар бу мукофот билан тақдирланшди.

Улмас Умарбеков кайси лавозимда ишламасин, азвало ёзувчи, ёшларнинг устози, кейин раҳбар; у республика Вазирлар Маҳкамаси расмининг ўринбосари вазифасида ҳам шу ақидасига содиқ қолди. Халқ номини, маданият ишлари вазирини, Осий ва Африка ёзувчилари бирдамлиги қўмитасининг раиси, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси раиси... Бирок бир лаҳза бўлсин бадий ижоддан йироқлашмади.

Улмас Умарбеков 80-йилларда «Қимбат қарз», «Ўз арзасига бинаом», «Қузнинг биринчи куни» сингари инсон руҳияти тараф таҳлил қилинган драма асарларини яратди. Кейинги уч-тўрт йил ичинда у бир қанча ҳикоялар битдики, булар ҳам ниҳоятда ҳаётини ва жисмаларидир.

Кейинги икки-уч йил ичинда Улмас Умарбеков жисмоний хасталик синовидан ҳам ўтди, бирок қаламини қўлдан қўйгани йўқ. Ҳаз аёз айланган бандасини на кас ҳор этади, на дара ёнгади. Адибимизнинг дардач даво, ранжидан шифо топанни руст бўлсин. 60 ёшлари кўтулғ бўлсин. Биз унга руҳий тетилик тилаймиз.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
Филология фанлари номзоди, доцент.



Термида Ҳасановлар оиласини билмайдиганлар жуда кам. Оила бошлиғи Абдужаббор аканинг ёшлигидан спортнинг кураш турига қизиқиши катта. У ўзидеги бу хусусиятини ўғилларига ҳам ўргата олди.

Ваҳодир, Ваҳром ва Ботирлар кучли, иродали, спортга, курашга меҳр қўйиб



Улар ўтган йили Омск шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада республикамизга жамоа ҳисобида жаҳон чемпиони деган унвонини қўлга киритиш учун ҳисса қўшишди. СУРАТДА: Абдужаббор ака ўғиллари билан. И. ХУҲАЕВ сурати (ЎЗА).

бўлишча, улар дунёнинг қайси бурчигида бўлмасинлар, ўзлари билан илдизда қонларини олиб юрарканлар. Бу кутилмаган ҳодисалар юз бериб қон қуйиш керак бўлиб қолса, қўл келар экан.

Фристал бўйича жаҳон кубогининг навбатдаги босиқ мусобақалари ўтказилди. Бракенде қишки спорт саройида мусобақанинг сўнгги куни ақробатлар куч синишдилар. Жаҳон кубоги мусобақасида дадил ишонч билан қатнашган ҳамюртимиз Лина Черязова ўзининг Лилехаммердаги қишки олимпиадада таёёр формада эканлигини намойиш қилди. Эслаб ўтамиз, Лина олтин медаль учун асосий даъвогарлардан.

28 май — 5 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентини кубоги учун Тошкентда йирик мусобақа ўтказилди. Халқаро мусобақа голлиларини тақдирлаш

Куз кунларининг бирида кузатганим, мана бу «яғни одат» мени ҳайратга солди. 25—30 ёшлардаги оддий ўзбек аёли 4-5 ёшли ўғилчасини автобус бекати ёнидаги оёқ турган сувга тўсиди. Мен аста олдига бориб, «Бу ишингиз яхши эмас, ана у ерда ҳоли жой бор-ку», де-

одатларини ҳам олиб боради. Бизга ёт ва халқимиз инкор этадиган бундай «одатларни на ўрта, на олий мактаб баргараф этолмайди, чунки бола у ёки бу одатга қуниқкан экан, уни ёшлиқда биллиб-билмай ўсиб қолган бўлса, кейинчалик йўқ деганда пинҳона

ларини ота-оналарига бориб айтиши, яъни ота-она вазифасини бажариб кетиши керак. Ҳозирда ота-оналарнинг ўқув юртлари билан алоқа бораганини қўлай томоши шундаки, илгарини «бемони Ватан», куну тун йўл босиб бориладиган «марказ» йўқ. Ҳаз Ватанимиз марказига эса ўзоғи билан поездада ўртача бир кунда келса бўлади. Афсуски, кўпчилик ота-оналар фарзандларини ўқишга киритиш учун илҳийди курашадилар-у, уларнинг шундан сўнгги фаолияти билан қизиқинмайди.

ата-боболаримиз қатъий амал қилган. Жумладан, халқ, мамлакат маффаатини, ҳақиқатдан устун қўйган шохшоир бобомиз Ҳусайн Бойқаро қилган ишни эсланг. Бобурнинг ёзишча, Ҳусайн Бойқаро «Бир қашча» бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонлиқларига топшуруб, доғулзазога йиборди». Бобомиз Амр Темур ўз ўғиллари Мироншоҳ билан Шохрўх ҳаёт бўла туриб,

БИЛДИРИШ
Шу йил 26 январь чоршанба кунин соат 15.00 да «Шўъла» адабий уюшмасининг навбатдаги мажлиси бўлади. Машигулот Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси бинасида ўтказилади. Машигулотга «Шўъла» аъзолари ва барча илҳосмандлари таклиф этилади.

СПОРТ ОЛАМИДАН ХАБАРЛАР
Халқаро олимпия қўмитасининг Президентини Хуан Антонио Самаранч ва ХОКнинг бошқа раҳбарлари Норвегиядаги қишки олимпиадада ўз қонларининг захираси билан борадилар. Бу одатий ҳол экан. Маълум учун 150000 доллар ажратилди. Айни кунларда хорижда республикамизнинг кучли теннисчилари Президентини кубоги учун бўладиган мусобақаларга таёёрларини ўташмоқда.
Н. МАҲМУДОВ.

ЎЗЛИГИМИЗНИ ТАНИШ САОДАТИ

сам, ҳайрон бўлиб: «Вой, мумкин эмасми?» — деб жавоб берди. Қўринадиган, гап-сўз мулоим, шарқона кўнглин олдий ўзбек аёли қилган ишнинг миллий одатимизга ҳилоф эканлигини билмайдми. Ачинарлики шунданки, ҳодисани кўриб турган ҳамшаҳарларимиздан бир қорасида на аччиқланиш, на ажабланиш ҳисси сезилмади.

Ҳозирги авлод онгидеги мазкур қарашларни ўзгартириш, миллий маффураини шакллантириш ва тақомиллаштириш ўта мураккаб ва ўзоқ муддатли жараёни, унга бир-бири йилда жўнгина эришиб бўлмайдми.

Ҳалиги бола ҳадемай мактабга, суғура олиб билимоққа қадам қўяди, айни чоғда ёшлиқда ўзлаштирган урф-

давом этираверади. Ана шунинг учун боланинг бошланғич тарбиясида оила, ота-она етакчи ўрин тутади.

Модомки, бола тарбиясида оила, ота-она етакчи ўрин тутар экан, ота-оналар билан муаллимлар ўртасидаги алоқа узлуқсиз бўлиши керак. Афсуски, мактаб таърибоси ота-оналар билан ўқув юртини ўртасида расмий йўлга қўйилган эмас. Узлуқсиз қўлакнинг заруряти шундаки, айниқса, ўзоқ қишлоқ ва шаҳарлардан келиб ташлим олувчи талабалар 5—6 йил давомда кўп вақт ота-она назоратидан четда бўлади. Бунинг устига улар давлат нафақаси ҳамда ота-оналарнинг моддий ёрдами тугабди, суғура олиб билишни истаганча сарф қила олмайди. Демак, талабалар ҳам мод-

ддий, ҳам маънавий-ҳуқуқий мустақилликка эга. Ана шу мустақиллик гоҳо айрим тарак. Ҳозирда ота-оналарнинг ўқув юртлари билан алоқа бораганини қўлай томоши шундаки, илгарини «бемони Ватан», куну тун йўл босиб бориладиган «марказ» йўқ. Ҳаз Ватанимиз марказига эса ўзоғи билан поездада ўртача бир кунда келса бўлади. Афсуски, кўпчилик ота-оналар фарзандларини ўқишга киритиш учун илҳийди курашадилар-у, уларнинг шундан сўнгги фаолияти билан қизиқинмайди.

Биласизки, ота-оналар қизларини узатаётганда, унинг янги жой, янги муҳитга кетаётгани, уйдаги баъзи қилиқлари, эркалиқларини у ерда қилмаслигини, аксинча, бошқаларга ўрнак қайната-қайноғана маълумкор қўлмақдощ бўлишини, ўзидан қўлайиб, тиниб-тинчиб кетишини эслабди дуо қилишди, бу эса янги оиланинг мустақамланшини асосларидан биридир. Олий мактаб ҳам ёшлар учун ўзига хос йўл-йўриқ, урф-одати, шаръ-шароити, тартиб-интизоми бўлган янги жой, янги кишилар билан мулоқот қилиш демакдир. Агар бола мактабда ўз мақаллади ва тенқурлар билан ўқиган бўлса, энди турли шаръ ва қишлоқлардан келган нотаниш, ўзидан катта, ҳатто ояллик талабалар билан бирга ўқиниш эслаштиш ота-онанинг бурчи.

Бола тарбиясида жамият манфаати хар қандай шахсий манфаатдан устун туради ва бунга инсоф ва дие-

натли, ҳаққўй ва адолатли ота-боболаримиз қатъий амал қилган. Жумладан, халқ, мамлакат маффаатини, ҳақиқатдан устун қўйган шохшоир бобомиз Ҳусайн Бойқаро қилган ишни эсланг. Бобурнинг ёзишча, Ҳусайн Бойқаро «Бир қашча» бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонлиқларига топшуруб, доғулзазога йиборди». Бобомиз Амр Темур ўз ўғиллари Мироншоҳ билан Шохрўх ҳаёт бўла туриб,

Миллий туйғу йўлларида

БОЙЛИГИМИЗ ЙЎҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистон телевидениесини кейинги пайта амалга ошираётган яхши ишлар доирасида ўтган ҳафта янада кенгайди. Мен шанба оқшомида кўрсатилган «Дилором» операсини назарда тутаяман.

Бези бировларга бу операнинг намойиш этилиши ҳам, устига-устак, бу воқеа тўришида ёзиш ҳам маъқул келмаслиги мумкин. Чунки, «Операни ўзбек халқининг миллий санъат тури эмас», дейдиганлар ҳам топилади. Аммо, биринчидан, ҳеч бир халқ ўз қонига ўрналиб қолган бўлиб, ўзаро бойиқдир ҳам бир-бири билан мулоқотда бўлиб, ўзаро бойиқдир, қолверса, истаймизми-йўқми — ўзбек операсининг энг яхши намуналари, мана, эгалик йилдан бери яшаб келаяпти.

Опера намойишидан олдин томошабинларга мурожаат қилган Ҳамза номидеги санъатшунослик илмий тадқиқот институти директори, таниқли олим Тўхтасин Гофурбеков опера санъати, хусусан, ўзбек операси ва «Дилором»

ҳақида барча тушунадиган тилда яхши ҳикоя қилиб берди. Унинг, айниқса, 50-йилларда сахналаштирилган, Керим Зокиров, Саттор Ярашев, Саодат Қобуловлар иштирок этган дастлабки «Дилором» билан бугун кўрсатиладиган «Дилором» ҳақидаги қиёсий гаплари диққатга сазовордир. Чунки, олим бугунги операни кўнларга қўтариши мумкин бўлган ҳолда (дастлабки операни кўрганлар ҳам, ахир), у тўридаги ҳақиқий илмий-таҳлилий гапни айтиб. Бу — олимнинг ҳам, телевидениенинг ҳам нима қилиб бўлса-да, операни кўнларга қўтариш фикридан йироқлиги экани, мурдадо бир асарни бор ҳолига томошабинлар эътиборига ҳавола этиш эканидан деполатдир.

Мухтор Ашрафийнинг бу операси ўз вақтида муносиб баҳосини олган, давр имтиҳонидан ўтган. Унинг қарийб қирқ йилдан бери «барҳаёт»лиги, яқинда театрининг ёш санъаткорлари иштирокида қайта сахналаштирилгани ҳам

бор ҳақиқатини айтиб турибди. Бу қисқа мулоҳазадан мақсад — операни таҳлил қилиш эмас, телетомошабинларни биз учун исбатан янги бўлган санъатини бир тури билан яқиндан таништириш йўлида қилинган ҳаракатини эътироф этишдан иборат, ҳолос.

Чунки, мустақиллик деган сўзда кўп нарса муҳжасам бўлади. Иқтисодийимиз янги изга қўчаётган, унга катта сармоялар тушиб турган, моддий ҳаётимизнинг порлоқ ўқилари кўрғина бошлаган бир пайтада маънавий дунёимиз ҳам эътибордан соқит қилмаслигимиз керак. Президентимиз бот-бот таъкидлаётган миллий истиқлол маффураси шунга тақозо этади.

Хуллас, телевидение кадрларини тиллаш борасида миллий-маънавий мулкимиз бўлган операларни ҳам намойиш этиб, уллардан халққа баҳраманд қилгани ниҳоятда қувонarli ҳолдир.

М. ХУҲАЕВ,
ЎЗА ШАРҲОВЧИСИ.

Бош муҳаррир Гаффор ҲОТАМОВ.

Таърих ҳаёати: Одил ЁҚУБОВ, Бақодир ЖАЛОЛОВ, Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Абдуқодир ЭРҒАШЕВ, Аллшор ТИШАБОВЕВ, Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Мухаммад АМИН, Ахрор АҲМЕДОВ, Рустам БОЙМУҲАММАД, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, Карим РАҲИМ, Сирожиддин РАУФ, Зайниддин РИХСИЕВ — масъул котиб, Исом ҲАМРОВ.

Тасвир этувчи
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан «Еш Ленинги» номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:

хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сийсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, Марбутовлар бунд 2-й.
Нашр қўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.